



ЗАМОНАВИЙ МАТБУОТ ВА МАСЪУЛ КОТИБ

Миллий матбуот марказида «Бугунги босма нашрларда масъул котибнинг ўрни ва вазифалари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

ВАТАН ИЧРА ВАТАН «ОҚДЎРҒОН» ОҚШОМЛАРИ



БУЮК НАВОИЙНИНГ ЭЗГУ ОРЗУСИ

Ёхуд яна тинчлик ва осойишталик қадри ҳақида



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131



ЖАМИЯТ

2006 йил
31 августдан
чоп этила
бошлаган

Газетанинг чакана
савдода белгиланган
нархи — 190 сўм

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

www.jamiyatgzt.uz

2007 йил 22 июнь № 25 (38)

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ОЛИМПИДАСИ

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ



• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 21 июнь куни Наманган ва Андижон вилоятларига ташир буюрди.

• 18 июнь куни осмоннинг Фарб томонида табиатнинг энг гўзал ҳодисаларидан бири — Зухро (Чўлпон) сайёрасининг Ой билан тўсилиши кузатишди. Шу куни Ой ўзининг осмон гўмбазини — гардун бўйлаб ҳаракати пайтида Ер билан Зухро сайёралари ораллиғига тушиб қолиб Зухрони, тахминан, 20 дақиқага яқин тўсиб турди.

• 19 июнь куни пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Фанлар академияси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент Ислоҳ университетлари ҳамкорлигида ташкил этилган «Тошкент — ислоҳ маданияти пойтахти» мавзусидаги кўргазма очилди. Мазкур кўргазмада моддий ва маънавий ёдгорликлар — археологик топилмалар, санъат асарлари, ҳунармандчилик буюмлари, ноёб қўлэмалар билан танишиш мумкин.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Осий тараққиёт банкининг Белгия, Франция, Италия, Португалия, Испания ва Швейцария буйича ижрочи директорлари Патрик Пиллон раҳбарлигидаги делегация 20 июнь куни Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси раиси билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Осий тараққиёт банки ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

«Биз мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, юртимизда эркин ва обод демократик жамият қуриш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу вазифани ўз олдимишга қўяр эканмиш, ана шу юксак мақсадларга эришиш йўлида юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, аввало, ҳаётга кириб келаётган ёш ва навқирон авлодга нисбатан замоннинг талаби тобора ортиб бориши табиийдир.

Бугун сизларга ўз бағрини очётган мухташам стадион ва спорт майдонларига тўпланган сиз, азиз фарзандларимиз ва барча тенгдошларингиз учун бу ҳақиқат яхши аён, деб ўйлайман.

Ана шундай вазият, дунё миқёсида тобора кучайиб ва мураккаблашиб бораётган кураш униб-ўсиб келаётган авлоддан миллий ва умуминсоний қадриятларни, замонавий илм-фан ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш, ўзининг бор кучи ва салоҳиятини эл-юртимиз манфаати ва келажаги йўлида сафарбар этишни талаб қилмоқда.

Шу билан бирга, олдимишда турган буюк мақсадларга эришишда ўғил-қизларимизнинг ёшлик чоғидан жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши, ҳеч кимдан кам бўлмасдан юксак спорт чўққиларини эгаллаши алоҳида ўрин тутади».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Универсиада-2007» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табриқидан.

2-саҳифа

ЁШЛАРНИНГ БИРДАМЛИК АНЖУМАНИ

Мамлакатимиз ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзи муҳитини янада мустаҳкамлаш, уларни спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитларни яратиш, спорт мусобақалари орқали ўғил-қизларнинг иродаси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, уларда мардлик, ватанпарварлик, она-юртга садоқат туйғуларини камол топтириш мақсадида ўқув муассасалари ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» анъанавий спорт мусобақалари бу борадаги хайрли ишларнинг натижасидир.



Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,
Гулжаҳон ЖАББОРОВА

МАШҒАЛА — ҒАЛАБА ТИМСОЛИ

УЧ тизимли спорт мусобақаларининг ўзига хос ва юксак эътироф этилган ҳолати — машғаладир. Маълумки, дунёнинг энг нуфузли мусобақаси — Олимпия ўйинларида ҳам машғала ёқилади. Кеча Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Кўёш-физика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида қуёш нурларидан аланга олган машғала шу кун «Универсиада—2007» мусобақаларининг очиқиш маросими ўтказилган «Ёшлик» спорт мажмуасига олиб келинди. Ва

ка университети спорт зали (баскетбол), Тошкент тиббиёт академиясининг спорт комплекси (қўл тўпи, енгил атлетика), Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей спорт зали (волейбол, футбол) ва Тошкент темир йўл муҳандислари институти спорт мажмуасида (теннис, шахмат, волейбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо) бўлиб ўтмоқда.

ТЕЗКОР АХБОРОТ — ЗАМОН ТАЛАБИ

ЭНГ қувонарлиси, мамлакатимиз ёшлари қалбида умрбод муҳрланиб қолажак ушбу спорт анжуманини республикамиз телевидениеси, радиоси, кундалик газеталари билан бир қаторда интернет-

ЯХШИ ДАМ — ҒАЛАБАГА ҲАМДАМ

«Универсиада—2007» иштирокчилари мусобақалардан бўш пайтларида пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини мириқиб томоша қилмоқдалар. Шунингдек, спортчи-талабалар Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик опера ва балет катта театрида, Муқимий номидаги мусиқали драма театрида, Абдор Ҳилол-йов номидаги ўзбек давлат драма театрида, қатор музейларда, истироҳат боғларида малаян ҳордиқ чиқариб, Жуманиёз Жабборов, Муҳаммад Али, Сирожиддин Саййид, Азим Суён каби таниқли шоир ва ёзувчиларнинг дилтортар шеър суҳбатларидан, Муяссар Раззоқова, Сардор Раҳимхон, Анвар Собиров, Фаррух Комилов сингари қушовоз санъаткорларнинг дилрабо куй ва кўшиқларидан ҳам баҳраманд бўлишади.

илк бор иштирок этаётган бўлсамда, ўзимга ишончим катта. Волейбол бўйича рақибларга бўш келмаймиз. Фақат юксак ўринлар учун курашамиз.

Комила МИРЗАЛИМОВА,
Андижон муҳандислик-иқтисодиёт
институтини 3-курс талабаси:

— Теннис баҳсларида иштирок этаёпман. Тенгдошларимнинг кўтаринки кайфияти, тетиклиги менда ажиб таассурот қолдирди. «Универсиада» нафақат спорт мусобақаси, балки ёшларнинг бирдамлик байрами эканлигига ҳам амин бўлдим. 2003 йил шахримизда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларида қатнашганман. Натижа яққаликда 3-ўрин, жуфтликда голиб бўлган эдим. Бу йил ҳам совринли ўринлар бизники бўлишига аминман.



СЎЗ «УНИВЕРСИАДА» СОВРИНДОРЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Сергей ЛИМ,
Самарқанд Давлат Университети
1-курс талабаси:

— Самарқандда ўтган «Универсиада» баҳслари ҳамон ёдимда. Ушанда беллашувларни томоша қилиб, менга ҳам иштирок этиш насиб этармикан, деб орзу қилгандим. Мана, бугун «Универсиада» голибиман. Рақобат жуда кучли бўлди. Барча полвоилар фақат ютиш учун ҳаракат қилишди. Мен 66 кг. вазн оғирлигида олтин медалга сазовор бўлдим.



Ҳусниддин КУБАЕВ,
Жиззах педагогика институти талабаси:

— Уч босқичли спорт ўйинлари мен учун қадрдон бўлиб қолган. Аввал Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган «Баркамол авлод» мусобақаларида кураш бўйича қатнашиб, олтин медал совриндори бўлган эдим. Ва ушанда агар олий ўқув юртига ўқишга кирсам ҳам спортдан ажралмайман, деб ўз-ўзимга сўз бергандим. Мана, мақсадимга эришдим. «Универсиада—2007» мусобақаларида бронза медалини қўлга киритдим.



Суннат МУҲАММАДИЕВ,
Қарши Давлат Университети 2-курс
талабаси:

— Пойтахтда, таъбир жоиз бўлса, «Универсиада» руҳи кезиб юрибди. Умуман, бу спорт ўйинлари ҳаётимда бир умр муҳрланиб қолади деб ўйлайман. Баҳслар орқали қанча-қанча дўстлар ортираяпман. Бу мусобақада



УСТОЗЛАР ФИКРИ

Оллоёр КАЗАКОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси волейбол бўйича эркалар терма жамоаси мураббийи:


— 2004 йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган баҳсларда жамоамизга 2-ўрин насиб этганди. Шогирдларим орасида 5 нафари аввал ҳам «Универсиада» спорт ўйинларида иштирок этган. Демак, бизда тажриба етарли. Таркибимиз билан бу дафъа янада яхшироқ натижани қўлга киритишга умид қилиб турибмиз.



Универсиада голибларини халқаро қодаларга мувофиқ олтин, кумуш, бронза медаллари, қимматбаҳо ва эсдалик совғалари, тегишли даражада дипломлар қутиб турибди.

«УНИВЕРСИАДА—2007» СПОРТ ЎЙИНЛАРИНИНГ ИЛК ЧЕМПИОНЛАРИ

Сузиш.
50 метр чалқанча усул — Данил Бугаков, Мария Бугакова (Тошкент).
200 метр эркин усул — Тимур Иргашев, Анна Фомина (Навоий).
Миллий кураш.
66 кг. — Ришод Собиров (Бухоро).
66 кг. — Сергей Лим (Самарқанд).
73 кг. — Шамсиддин Саидов (Бухоро).
81 кг. — Нурбек Искандаров (Хоразм).
90 кг. — Рамзиддин Саидов (Бухоро).
100 кг. — Всячеслав Перетейко (Тошкент).
+100 кг. — Абдулла Тангриев (Тошкент).



уни аланга олдириш «Универсиада» нинг очиқиш тантаналарига улашиб кетди. Йўл-йўлакай машғалани минглаб ўқувчи ёшлар зўр ҳаждон билан кузатиб қолдиши. Янгибозор, Чирчиқ шаҳарларида ўтказилган тадбирлар кўтаринки руҳда ташкил этилди, муҳлислар мусобақа иштирокчиларига зафар ва омадлар тилашди. Дарҳақиқат, само бўйлаб ўрлаётган машғала спортчилари юксак ғалабалар сари руҳлантираётгандек...

УНИВЕРСИАДАДАН ОЛИМПИАДА САРИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ олий ўқув юртлири талабаларининг тўртинчи бор ташкил этилаётган «Универсиада—2007» спорт ўйинларида иштирокчилар олимпия ўйинлари тизими асосида 12 та спорт тури бўйича беллашмоқдалар. Аввалги баҳслардан фарқи ўлароқ бу йил 14 та — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳри жамоа, улар сафидаги 1946 нафар спортчи талабалар ўзаро куч синашаётир.

«Универсиада—2007» спорт ўйинлари «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуаси (футбол, стол тенниси, сузиш, баскетбол, қўл тўпи), Тошкент Давлат техни-

даги www.universiada.uz веб-сайти орқали ўзбек, рус ва инглиз тилларида бутун дунё спорт ишқибозлари ҳам бемалол кузатиб бориш имкониятига эгадирлар.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги энг замонавий бинолардан бирида ташкил этилган Ахборот маркази оммавий ахборот воситалари ходимларига муттасил маълумотлар бериб бориш учун жуда қулай имкониятларга эга. Бу ерда матбуот конференциялари, брифинглар ва бошқа анжуманлар ўтказиб бориш учун барча шароитлар муҳайё этилган.

— Ахборот марказимизда ўнлаб компьютерлар ўрнатилган ва улар бевосита интернетга уланган. Журналистлар ҳар бир хабар ва янгиликни ана шу замонавий ахборот технологиялари орқали тезкорлик билан ўзларининг электрон манзилларига жўнатиш имкониятларига эга, — дейди биз билан суҳбатда «Универсиада—2007» Ахборот маркази масъул ходими Тўлқин Эшбеков. — Булардан ташқари қатор спорт мажмуаларида ҳам компьютерлар ўрнатилган, жойларда ўтказилаётган мусобақаларнинг натижалари тезкорлик билан www.universiada.uz веб-сайтига узатилмоқда.

Бугун мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти турли йўналишлар, жумладан, ёшлар ҳуқуқий онги ва билимларини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, имкониятлари чекланган шахсларга ижтимоий кўмак бериш, хайрия ва бошқа соҳаларни қамраб олмақда.

институту негизда ягона ахборот алмашинуви тизимини яратиш масаласини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Zero, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, амалдаги ҳокимият-

ИСТИҚБОЛ ОМИЛЛАРИ

мамлакатимизда учинчи сектор фаол шаклланимоқда

Жобир ҲАКИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги
Давлат ва жамият қурилиш
академияси тингловчиси

МАМЛАКАТИМИЗ қонунчилигида учинчи сектор ривожини учун зарур ҳуқуқий замин яратилган. Улар фаолиятида «Надавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Надавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши уларнинг фаолияти учун қўлай ташкилий шароитларни вужудга келтирди. Бинобарин, ўтган ўн йиллик бошида мамлакатда санокўчигина нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатган бўлса, айни пайтда жамиятдаги долзарб ижтимоий масалалар билан шуғулланиётган бундай ташкилотлар сони беш мингга яқин.

Республикаимизда фаолият кўрсатаётган учинчи секторнинг ҳали ишга солинмаган имкониятлари кўп. Бу ўз навбатида мамлакатимизда демократик ислохотлар олиб борилишининг асосий омилларидан бири сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлари-

ни ривожлантириш бўйича ишларни янада такомиллаштиришни талаб этади. Шу маънода Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий асоциацияси ташкил топгани учинчи сектор ривожланиши стратегиясини амалга оширишнинг қонуний босқичи бўлиб хизмат қилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, юртимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ахборот кўмаги, ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам олишнинг асосий манбаи адлия идораларидир. Маълумки, учинчи сектор ходимларининг малакаси, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш долзарб масалалардан биридир. Ана шу мақсадда, республика нодавлат сектори институтларини ривожлантириш мақсадида амалий тадбирлар, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, яъни ўқув курслари, семинарлар ташкил этиш мунтазам ва тизимли равишда амалга оширилиши зарур бўлган вазифадир. Шунингдек, учинчи сектор институтлари фаолиятини кенг тарғиб қилиш учун ресурс марказлари, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий асоциацияси ёки Фуқаролик жамиятини ўрганиш

нинг барқарор ишлашида, жамиятдаги ижтимоий кучларнинг мувозанатини сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

— Учинчи секторга давлат буюртмаларининг кенг жалб этилиши давлат институтлари билан ҳамкорликни янада чуқурлаштиради, — дейди «Онла зийнати» маркази раҳбари Маъмура Қудратова. — Бизнинг вазифамиз жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда давлат органлари билан биргаликда фуқароларнинг фаоллиги ва сиёсий маланиятини ошириш, улар онгига истиқлол мафқурасини синдириш, ўз келажагини ўз қўли билан яратишга қодирлигини англатиш, шу йўлда маънавий-моддий кўмак беришдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча нодавлат нотижорат ташкилотлари нуфузли маънавий-ижтимоий тузилмалар бўлиб, уларнинг жамоатчиликка маънавий таъбири юридик таъсирга нисбатан бир неча маротаба самарали, ижтимоий-маиший масалаларни ҳал этишдаги роли ҳам юқори эканини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти асоси бўлган нодавлат секторни ривожлантиришда алоҳида аҳамият берилаётгани фуқаролик жамиятининг истиқболини белгилайди.



АДВОКАТЛАРНИНГ IV АНЖУМАНИ



Юртимизда бошқа соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ўзига хос ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, аҳолига юридик хизматлар кўрсатиши идоралари фаолияти сезиларли даражада такомиллашди.

Икром ИМОМОВ

ХУСУСАН, мустақиллик йилларида адвокатура тизимида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. 1997 йилда ташкил топган Ўзбекистон Адвокатлар асоциацияси — нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, бугунги кунда икки ярим минг нафардан ортиқ адвокатларни ўз сафида бирлаштирган. Турли тadbирларда, хусусан, конференцияларда зарурий чора-тадбирларга оид қарорлар қабул қилинишида иштирок этиб, аҳолига малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатиши йўлга қўйилди.

Яқинда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Адвокатлар асоциациясининг навбатдаги IV анжумани бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган 200 нафардан ортиқ делегат, қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти вакиллари ҳамда ҳуқуқий демократик институтлар, юридик йўналишдаги таълим муассасалари ходимлари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок

этидилар. Ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот тингланди.

Таъкидланганидек, давлат томонидан кафолатланган ва қонунда белгиланган адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ижтимоий, касбий ҳуқуқларини амалга оширилиши — малакали юридик ёрдам кўрсатишнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилади. Тадбирда соҳала эришилаётган ютуқлар баробарида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Жумладан, иштирокчиларнинг яқдил фикрига кўра, республикада адвокатларни касб малакаларини оширишга ихтисослашган алоҳида муассаса ташкил этиш мақсалга мувофиқ.

Тадбирда сўзга чиққанлар турли масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирар эканлар, Ўзбекистон Адвокатлар асоциацияси республикадаги мавжуд адвокатлик тизимларини бирлаштириб, улар манфаатини ҳимоя қила оладиган ташкилотга айланишини қайд этидилар. Анжуман Ўзбекистон Адвокатлар асоциациясининг ўтган давр ичида қилган ишлари ҳақидаги ҳисоботини маълумлади ва олдinda турган асосий вазифаларнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Турт асосий унсурлардан бири саналган сув шундай бетақрор табиат инъоми ва бебаҳо бойликки, ундан оқилона фойдаланиш, исроф қилмаслик ҳар бир фуқаро зиммасидаги масъулиятли вазифадир. Айниқса, ичимлик сувига бўлган таълаб ва эҳтиёж ҳаминша долзарб масала ҳисобланган.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,

«Жамият» мухбири

КЎПИНЧА водопровод жўрагидан беҳуда оқиб турган сувга кўзимиз тушади. Сувга нисбатан бундай бефарқликдан ранжимай иложингиз йўқ. Зар қадрини заргар билади деганларидек, қачонки сувга ташна бўлсак, унга эҳтиёж сезсакгина унинг қадрига етамиз. Шу маънода Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Машхур» аёллар марказининг Қулибек қишлоғини тоза ичимлик суви билан таъминлашда қўшган ҳиссасидан қишлоқ аҳли жуда мамнун.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати энди бошланган кезларда тумандаги «Юлдуз» фермер ҳўжалигида иш юритувчи бўлиб ишлаётган Азиза Йўлдошева ташаббускорлиги

СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ

ва тadbиркорлиги билан ҳамкасблари орасида ажралиб турарди. Унинг ишга масъулият билан ёндашиши, изланувчанлиги Қўқон шаҳар Тadbиркор аёл уюшмасининг эътиборига тушди. Шу орада аёлларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди. Азиза Йўлдошевда ташкилотчилик қобилияти борлигини кўрган уюшма раҳбарлари унга нодавлат нотижорат ташкилоти очишни масала ҳисоб берди. Шу тариқа 2001 йилда «Машхур» нодавлат ташкилотига асос солинди.

Марказ дастлабки фаолиятини қишлоқ хотин-қизларини касб-хунарга тайёрлашдан бошлади. Тетишли мутахассислар жалб қилиниб, тикувчилик ва зардўзлик касблари ўргатилди. Авваллари бирор кийим тиктириш учун қишлоқ аёллари анча йўл босиб, Қўқон шаҳрига бориб келишга мажбур эди. Тез орада бу масала ўз ечимини топди.

Вақт ўтган сайин «Машхур» аёллар маркази туманда танилиб, унга мурожаат қиладиган фуқаролар сонин

ҳам оша борди. 2006 йил охирида марказ Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий асоциацияси аъзолари сафига қўшилди.

— Қишлоғимизда ичимлик сувига эҳтиёж бор эди, — дейди суҳбатдошимиз Азиза Йўлдошева. — Мавжуд сув насоси анчадан бери бузуқ, ишламай ётган эди. Агар уни ишга туширсак, қишлоқ аҳлининг сувга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Лекин сув насосини тузатишга сарфланадиган маблағни топиш зарур эди. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий асоциацияси ўтказган танловларга шу масалада лойиҳа тақдим этдик ва Фондининг 3-тур танловларида «Сув — ҳаёт манбаи» номи лойиҳамиз 5 миллион сўм миқдоридagi грантга сазовор бўлди.

Сув насосини тузатишда қишлоқ аҳли ҳам қараб турмади, баҳоли кудрат ёрдам қилди. Грант маблағидан 3 млн. 150 минг сўмга насосга керакли жиҳозлар олинди. 1 млн. 780 минг сўмга эса насос тозаланиб, янги қувурлар соғиб олинди. Жорий йилнинг 4 май куни сув насоси ўзининг

ҳаётбахш қудратини намоён этди. Эндилкида Қулибек қишлоғи жамоатчиликнинг саяб-ҳаракати билан ичимлик суви муаммосидан қутулди. Ҳамма хурсанд. Айниқса, қишлоқ кексаларининг қўллари дуода: «Илоҳим, сув чиқаришга кўмаклашганларнинг умри узоқ бўлсин, ишларининг ривожини берсин». Ҳа, сув келтирган элда азиз, деб шунга айтсалар керак-да.

— Келгуси режаларимиз янада умидли, — дейди Азиза Йўлдошева. — Қишлоқ хотин-қизларини иш билан таъминлаш мақсадида турли ширинликлар ва макарон ишлаб чиқарадиган цех ташкил қилмоқчимиз.

«Машхур» аёллар марказининг фаолият юритишида Қулибек қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ҳам ўз ёрдамини аямаяпти. Қандай тadbир бўлса, ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда ўтказилади. Дарвоқе, Азиза Йўлдошева нафақат марказ ташвишлари, балки фермер ҳўжалиги юмушлари билан ҳам банд. Айни қуиларда галладан мўл ҳосил кўтариб, давлатга галла сотиш режалари мажбурдир.

Бугун Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Кисқа вақт ичида Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди.

Наргис ҚОСИМОВА, «Учитель Узбекистана» газетаси масъул котиби, «Матбуот маликаси» тавлови (Тошкент, 2007 йил) ғолиби



ни топишга кўмак бермоқда. Буларнинг барчаси яхши, албатта! Аммо журналистлар олдида қатор долзарб вазифалар ҳам турибди. Хусусан, айрим газетларимиздаги бир хилликдан воз кечишимиз лозим, жамият ривожини учун муҳим бўлган масалаларни кенгроқ ва масъулиятли ёндашув асосида ёритишимиз керак, деб ўйлайман. Журналист давлат ва жа-

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАШ КЕРАК

ахборот воситаларининг эркинлашуви ва ривожланиши йўлидаги улкан қадамлардир. Бу эса оммавий ахборот воситалари сони ва сифати ортишига олиб келмоқда.

Бугун журналистлар орасида жадал ихтисослашув жараёни давом этмоқда. Иқтисод, спорт, таълим, тиббиёт, санъат соҳаларини ёритувчи журналистлар пайло бўлмоқда. Секунд-асмалик билан бўлсада «Журналист суриштируви» руҳини остида жиддий таҳлилий материалларнинг берилиши ҳам жамиятнинг демократлаштириш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечими-

мият ўртасидаги ўзига хос риштадир. Ва шу билан биргаллик, у катализатор вазифасини ҳам бажаради. Унинг воқеа ва ҳодисалар, бўлиб ўтаётган жараёнларга қай йўсинда ёндашуви қараб, жамоатчилик фикри шаклланади. Ҳар бир газетани ўқишли, телеканалларни кўришни қилиш учун ушбу жараёнга даҳдор бўлган ҳар бир ижодкор журналист ўз устида жуда кўп ишлаши янгича ёндашувлар асосида, замонавий ахборот технологиялардан талаб даражасида фойдалана олиши зарур. Бу борада барча ҳамкасбларга муваффақиятлар тилаб қоламан.

СЎЗ АЙТИШ МАСЪУЛИЯТИ

Матбуот соҳасида ишлаб, оппоқ қоғозга муносиб сўз битиш осон эмас. Умуман, ижодкорга мансуб битикалар қалб кўри билан ёзилади. Хусусан, журналистика ҳақида гап кетганда, матбуот фидойиларидан доимо қатъият ва жасорат талаб этилган. Таъбир жоиз бўлса, журналистларнинг номи қаттиқ, аммо ширин...



Мақсуд ЖОНИХОНОВ,

«Халқ сўзи» газетаси бўлим мудирини, «Йилнинг энг фаол журналисти — 2005» тавлови ғолибини

НОКАМТАРЛИК деманг-у мамлакатимизда кечяётган олимпиадул ўзгаришларда мазкур касб эгаларининг салмоқини ҳиссаси бор. Зотан, мамлакатимиз раҳбари ўтган йили матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига касб байрами муносабати билан йўллаган табригидида шундай деган эди: «Халқимиз янги ҳаёт, янги жамият кураши йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлса, уларнинг барчасида, ҳеч шубҳасиз, заҳматқаш матбуот аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман».

Бу эътироф бизга қанот, янгича руҳ бағишлайди. Шунинг билан бирга, биз журналистлар фаолиятимизга жиддий, танқидий нуқтан-назардан баҳо беришга ўрганишимиз лозим.

Хусусан, биз сиёсий мавзуларни кўтарганда, сиёсатчидай унинг илдиизига етаолашимиз, иқтисодиёт ҳусусида сўз юритганда, унинг сир-асрорларига ақлимиз етганими-йўқми, умуман айтганда, мавзуга тайёрларик, уни талқин этиш, очиб бериш каби мажаравий ҳусусиятлар — бизда етарли даражада акс этганми? — деган саволларга жавоб беришимизни давр тақозо этмоқда.

Демак журналист замон билан ҳамнафас, ҳамқалам яшашга, ижод қилмоғи учун — унга нафақат истеъдод, балким янгича тафаккур, универсал билимлар зарур.

Чунки, журналистнинг тўхтаб қолишга ҳаққи йўқ; у даврнинг жарчисини, куйчисини, ҳар кунлик тарихнинг биттувичисини.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан мамлакатимизда қалам тебратаётган барча журналистларни чин қалбдан муборакбод этамиз. Уларнинг машаққатли ва айни пайтда шарафли фаолиятларига муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



Жамолiddин ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон мустақил
босма оммавий ахборот
воситалари ва ахборот
агентликларини қўллаб-
қувватлаш ва
ривожлантириш
жамоат фонди
директори:

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

— БИЗ бугун кучли фуқаролик жамиятини барпо этаёلمиз. Бу жараён, айниқса, оммавий ахборот воситаларидан катта масъулият талаб қилади. Яъни, оммавий ахборот воситалари, энг аввало, ватандошларимизда фуқаролик позициясининг мустақамлашишига самарали таъсир кўрсатиши лозим.

Жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнида босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг иштирокини янада кенгайтириш, фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ижодий ишларнинг гоёвий-бадий даражасини оширишга қаратилган долзарб лойиҳа ва дастурларни молиялаштириш жамоат фондининг бирламчи вазифасидир. Қолаверса, жамият равнақи йўлида жонкуяр фуқароларни тарбиялаш жараёнига муносиб ҳисса қўшиш, журналист ва техник кадр-

ларнинг ижодий фаолиги ҳамда ма-лакасини оширишга хизмат қилувчи қатор тadbирлар ташкил этиш ҳам бизнинг устувор йўналишларимиздан ҳисобланади.

Ўтган йили жамоат фонди ташаббуси билан бир қатор вилоят газеталари таҳририятлари қошида «Журналистик маҳорат маркази» ташкил этилди. Айни пайтда мамлакатимиздаги олий ўқув юрklarининг журналистика факультетлари талабалари учун «Маҳорат мактаблари»ни ташкил этишга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда. Яқин орада «Жамият», «Uzbekistan Today», «Бизнес Вестник Востока», «Маърифат», «Учитель Узбекистана» каби нуфузли газеталар таҳририятлари ва «Туркис-тон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги қошида ҳам ана шундай мактаблар иш бошлайди.

Миллий матбуотимиз байрами арафасида барча ҳамкасбларимизга Фонд номидан улкан зафарлар тилаймиз.

ИЖОД АҲЛИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ

Удугбек СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлиги
Лицензиялашни ташкил
этиш бошқармаси бош-
лиги ўринбосари:



— МАМЛАКАТИМИЗДА оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бугун юртимизда 900 га яқин газета ва журнал, 4 та ахборот агентлиги ва ўнлаб телерадиоканаллар фаолият юритаётгани жамиятни демократлаштириш, матбуотни эркинлаштиришга катта эътибор қаратилган даврдан далолатдир.

Бинобарин, демократиянинг муҳим таянчи бўлиши матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳар бир мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи ўрин тутadi. Шу бора ҳам улар рамзий маънода туртинчи ҳокимият деб аталади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ оммавий ахборот воситалари ва уларда хизмат қилаётган журналистларнинг эркин ва ошқора фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар, жумладан, кенг ҳуқуқий имкониятлар яратилди.

Бу борада қабул қилинган ва қилинаётган қонунлар, меърий ҳужжатлар ҳар бир ижод аҳли учун дастуриламалдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги ва бошқа қонунлари босма ва электрон оммавий ахборот воситалари эркин фаолиятини таъминлашда муҳим кафолатдир.

Бугун дунё ахборот майдонида мураккаб жараёнлар юз бермоқда. Биз ҳам ана шу жараёнларга фаол кириб бориб, дунёдан доимо хабардор бўлиб, баҳс маданиятини эгаллаб, шу тариқа ўзимизнинг олижаноб мақсадларимизга етишимиз лозим. Ҳайратангизки, бизнинг оммавий ахборот воситалари билан олиб борадиган ишимиз, самарали ҳамкорлигимиз бу йўлда муҳим бир босқич, катта ҳаётий мактаб бўлади.

КАПИТАЛ *Ипотека*

Мамлакатимизнинг барча
ижод аҳлини 27 июнь —
Матбуот ва оммавий ахбо-
рот воситалари ходимлари
куни муносабати билан чин
дилдан муборакбод этамиз.
Жамият ва эл-юрт равнақи
йўлида қалам тебратётган
соҳа ходимларига соғлиқ-
саломатлик, тинчлик-
хотиржамлик ва улкан
зафарлар тилаб
қоламиз.



АТЬ ИПОТЕКА БАНКИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ МИНТАҚАВИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

ЗАМОНАВИЙ МАТБУОТ ВА МАСЪУЛ КОТИБ

Яқинда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган «Бугунги босма нашрларда масъул котибнинг ўрни ва вазифалари» мавзуидаги семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Беҳзод ҲОТАМОВ,

«Жамият» мухбири

— БУГУН ҳар бир оммавий ахборот воситаси ахборот бозорида ўз ўрни ва нуфузини сақлаш учун кураш олиб бораётган бир пайтда даврий нашрлар фаолиятини таҳририят юраги ҳисобланган котибият, масъул котибсиз тасаввур этиб бўлмайди, — деди тадбирни очган Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. — Яъни, масъул котибдан нашр олдига турган мақсад-вазифаларга замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш талаб этилади. Нашрлар дизайнери, материаллар ва фотоларни жойлаштириш, макет тузиш — саҳифалаш ишларига замонавий технологияларни жорий этиш бу борада долзарб вазифалардан ҳисобланади.

— Масъул котиб ижодий жараён билан техник жараённи мувофиқлаштириб турувчи асосий воситачи бўлиши керак, — дейди «Маърифат» газетаси бош муҳаррири Ҳалим Саидов. — Хориж тажрибасини ўрганишда ўз миллий манфаатларимиз нуктаи назардан ёндашиш зарур.

Шунингдек, семинарда сўзга чиққанлар «Босма нашрнинг саҳифалаш хусусиятлари», «Саҳифаларда фотоларни жойлаштириш тартиби», «Матбуотда дизайн: жаҳон тажрибаси» мавзуларида фикр-мулоҳазалар билдиришди. Тадбир кўтаринки руҳда, қизиқарли ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.



Яқинда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ташаббуси билан Кўқон шахрида «XX аср илк тараққийпарвар нашрларининг тарихи» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ИЛК ТАРАҚҚИЙПАРВАР НАШРЛАР

уларнинг журналистикамиз тарихи ва ривожидида тугган ўрни

УНДА Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчилари, шунингдек, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан вакиллар иштирок этишди.

Анжуман давомида XX асрдаги илк нашрларнинг ўзбек журналистикаси ривожига қўшган ҳиссаси, жамоат фикрини шакллантиришда матбуотнинг роли, тажриба-маҳорат мактабларини ривожлантиришга доир мавзуларда маърузалар тингланди.

— Ахборот тўплаш ва тарқатишнинг дастлабки оғзаки ва ёзма намуналари қадим замонлардан яхши маълум. Туркистонда дастлабки матбаа маҳсулотлари XIX асрнинг иккинчи ярмида ишлаб чиқарила бошланди. Ўлкада хусусий босмаҳоналар, литография ва бошқа полиграфия корхоналари ташкил этилди, — дейди талбир қатнашчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси катта ўқитувчиси, профессор, Назира Абдуазизова. — Ўзбек журналистикасининг шаклланишида «Туркистанские ведомости», «Туркистон вилоятининг газети» каби расмий газеталар муҳим роль ўйнади.

Абдулҳамид Чўлпон, Зокиржон Фурқат, Сатторхон Абдуғафоров, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний ҳамда Зиё Саид каби маърифатпарвар инсонлар миллий матбуотимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшдилар. Чунки бу даврга келиб ўлкада юздан ортиқ ўзбекча ва русча газеталар чиқа бошлаган эди. Уларнинг кўпчилиги Тошкент, Самарқанд, Кўқон, Андижон, Бухоро ва Фарғона тарихида муносиб из қолдирган. Кейинги йилларда ўзбек журналистикаси фанига янги тамал тошини қўйган профессор Тўғон Эрназаровни ёд олишимиз жоиз. Унинг «Ўзбекистонда вақтлий матбуот» китоби соҳа тарихида янги саҳифаларни очди. Бундан ташқари, Очил Тоғаев, Расул Муҳаммадиев, Ориф Саидов сингари илму урфон фидойиларининг ҳам матбуотчиллигимиз тарихини яратишдаги ҳиссаси ниҳоятда катта. Мустақиллик йилларида нашр этилган «Туркистон матбуот тарихи», «Ўзбекистон журналистикаси тарихи» каби китоблар республикамиз матбуотининг узоқ ва яқин тарихига оид манбаларни ўзида тўла акс эттиргани билан қадрлидир.

Тадбир давом иштирокчилар ўзбек журналистикаси тарихи, бугуни ва эртаси, журналист кадрларни пухта тайёрлаш, уларнинг маҳорат ва малакасини мунтазам ошириб бориш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўз мухбиримиз.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг 2007 йил 2-сонини нашрдан чиқди

Ватанимиз пойтахти Шарқ дарвозаси сифатида шуҳрат қозонган қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкент шахри жорий йилда яна бир юксак унвонга муносиб топилди — у Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Журналнинг янги сони мамлакатимиз ҳаётидаги ана шу улкан маданий-маънавий воқеага бағишланган.

Мадина МИРЗАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида таъкидланганидек, Тошкент шахрига

«Ислом маданияти пойтахти» деган юксак ном берилиши бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Айниқса, неча юз йиллар мобайнида юртимиз худудида яратилган буюк маданий ва маънавий мероснинг туб моҳиятини, унинг кўпчилик-

ка маълум бўлмаган қирраларини нафақат мусулмон олами, балки бутун жаҳон аҳлига кенг тарғиб қилиш, шу тариқа ислом дини тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодачиси эканини яна бир бор намоён этиш борасида ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, бу соҳа вакилларига кенг имкониятлар яратиш ҳамда иқтисодийни босқичма-босқич эркинлаштириш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинаётганлиги бу борадаги ислохотларнинг давомийлиги ҳамда «Ўзбек модели»нинг халқчиллигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республика-

си Адлия вазири Ф.Отахонов «Тадбиркорларга юридик хизмат кўрсатиш — давр талаби» номи мақоласида ушбу ҳужжатларнинг ижроси билан боғлиқ масалаларга тўхталар экан, ҳўжалик юритувчи субъектларга нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан барча турдаги сифатли ва самарали юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги аҳамиятли қадамлардан ҳисобланади, деб қайл этади.

Н.Исмоилов, А.Турсунов, А.Комилжонов, А.Раҳимов, А.Мўминов, У.Тўхташева, Б.Саидов каби муаллифларнинг мақолаларида мустақиллик, демократия ва инсон ҳуқуқлари мезонлари, инсон ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари сингари мавзулар қаламга олинган. Муаллифлар давлат ва жамият ҳаётида қонун нормалари билан тартибга

солинадиган ижтимоий муносабатларни аниқлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштириш, қонунларга риоя қилиш ва уларни ижро этишда давлат ва жамоат ташкилотларининг аҳамияти, ҳуқуқ ва ваколатлари, шунингдек, истиқболдаги вазифалари ҳақида фикр юритади.

«Маҳалла ва ижтимоий адолат» мавзуида ташкил этилган давра суҳбати иштирокчилари «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш масалалари хусусида сўз юритадилар. Қайд этилганидек, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўрин тутди.

Шунингдек, журналда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) 2006 йилда амалга оширган ишлари ҳақидаги ҳисобот рус ва инглиз тилларида чоп этилган.

ДУШАНБА, 25 ИЮНЬ

«O'zbekiston» 0.10 Курсулар дастури. 0.20 «Юнобдо». 5.55 Курсулар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

18.25 «Анон». 18.30 «Пойтахт» аборот дастури. 18.45 «Анон». 18.50 Т/с «Гадалуле».

«Sport» 7.00 «Боррое утро». 8.05 «Малавот». 9.00 «Универсиада - 2007» якуни...

«Первый канал» 4.00 «Доброе утро, Россия!». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 22.30 Навосты.

9.00 «Агент национальной безопасности». Фильм. 10.00 «Получи». 11.15 «Получи».

«Россия» 4.00 «Доброе утро, Россия!». 6.50 «Маршалы Победы: Жуков и Рокоссовский».

«Россия» 4.00 «Доброе утро, Россия!». 6.50 «Маршалы Победы: Жуков и Рокоссовский».

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

22.30 Кино «ТВИ ПРОШЛОГО». 0.30 «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ».

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

СЕШАНБА, 26 ИЮНЬ

«O'zbekiston» 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Аборот». 8.40 «Оптин мерос».

11.40 «Лолита. Без комплексов». 12.30 «Детектив». 13.25 «Контрольная закупка».

«Sport» 7.00 «Боррое утро». 8.05 «Малавот». 9.00 «Универсиада - 2007» якуни...

«Первый канал» 4.00 «Доброе утро, Россия!». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 22.30 Навосты.

15.30, 0.40 Сервал «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА-2». 18.35 Сервал «МВТОВОСВОБОДНЫЕ».

«Россия» 4.00 «Доброе утро, Россия!». 6.50 «Маршалы Победы: Жуков и Рокоссовский».

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

22.30 Кино «ТВИ ПРОШЛОГО». 0.30 «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ».

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

ЧОРШАНБА, 27 ИЮНЬ

«O'zbekiston» 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Аборот». 8.40 «Оптин мерос».

11.40 «Лолита. Без комплексов». 12.30 «Детектив». 13.25 «Контрольная закупка».

«Первый канал» 4.00 «Доброе утро, Россия!». 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 22.30 Навосты.

15.30, 0.40 Сервал «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА-2». 18.35 Сервал «МВТОВОСВОБОДНЫЕ».

«Россия» 4.00 «Доброе утро, Россия!». 6.50 «Маршалы Победы: Жуков и Рокоссовский».

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

22.30 Кино «ТВИ ПРОШЛОГО». 0.30 «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ».

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

«ТВ 3» 7.00 Победный голос. 7.30 Мультфильм. 7.50 Мультфильм.

— Раҳматли отамнинг бир гапи ҳамиша ёдимда, — дейди қизилтепалик тadbиркор Йўлдош Салоҳиддинов ўз фаолияти ҳақида ҳикоя қилар экан. — Дeҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланган одам кам бўлмайди. Озгина бўлса-да, еринг бўлса, унда галла етиштирсанг, бунга нима етсин, ўғлим! Кўп эмас, тўртта ушоқ молинг, битта говмиш сизиринг бўлса, рўзгоринг обод бўлади. Тўғри, ҳозир имкониятнинг йўқ, лекин бир кун келиб, имконият эшиклари албатта очилади...

Норкул МАМИРОВ,

«Жамият» мухбири

ОТАМ башорат қилган «имконият эшиклари» мен учун мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг очилди...

Иш бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ, лекин етиштирилган гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари эвазига рўзгорим бут, кўнглимиз тўқ бўлди.

Ўз иши ва турмушидан мамнун, ҳаётдан ризо инсон билан суҳбат сабаб бўлди-ю ўз вақти-

КРЕДИТНИ БАНК, БАҲОНИ МИЖОЗ БЕРАДИ

да имтиёзли кредит ажратган акционерлик-тижорат «Пахта банк»нинг Навоий вилояти филиали фаолияти билан яқиндан танишишга жазм қилдик.

Маълум бўлишича, Йўлдош Салоҳиддинов каби банк хизматидан фойдаланиб, юрганлар оз эмас экан. Хусусан, юкорида қайд этилган қарор ижросини тўлғанилаётган банк томонидан ўтган йили 333,0 миллион сўм, жорий йилнинг биринчи чорашида эса 88,1 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилган. Айти пайтда, мазкур банк вилоят бўйича 7169 нафар мижозга, шу жумладан, 3265 та фермер хўжалигига, 2609 та кичик бизнес субъектларига самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Банкнинг хизмат турлари бир талай. Уларда самарали усуллар қўлланилаётган. Масалан, 2007 йилнинг ўтган уч ойи давомида омонатларга қўйилган пул маблағлари 2 миллиард 230,0 миллион сўмни ташкил этган ва 11 миллиард 279,0 миллион сўмлик нақд пул тушувлари қабул қилинган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 миллиард 49 миллион сўмга кўп демакдир. Айти кезда аҳоли омонатлари 1 миллиард 540,0 миллион сўмдан ошиб кетди. Бу борада ҳозир амалда бўлган «Ҳимоя»,

«Омад» деб аталган муддатли омонат турларига аҳолининг бўш пул маблағларини янада кўпроқ жалб этиш учун тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Отам башорат қилган
«имконият эшиклари»
мен учун Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
«Шахсий ёрдамчи,
деҳқон ва фермер
хўжаликларида чорва
молларини кўпайтиришни
рағбатлантириш чора-
тадбирлари тўғрисида»ги
қароридан сўнг очилди.

— Банкмиздаги кредит сиёсатининг ўзига хос хусусиятларидан бири — банк активларининг сифат ва самарадорлигини ошириш, кредит таваккалчиликларини оқилона бошқаришдадир, — дейди бошқарма бошлиги вазифасини бажарувчи Голибжон Содиков. — Айти кунларда барча филиалларимизда

мижозларнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори остида иш олиб борилмоқда.

Хусусан, банк томонидан 2007 йилнинг 1 чорагида фермер хўжаликларига 593,2 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Бу маблағ эвазига Германиядан келтирилган «Класс Доминатор — 130» русумли галла ўриш комбайнлари ҳозирги кунларда фермерлар оғирини энгил қилапти. Навбаҳор, Хатирчи, Қизилтепа туманларидаги фермер хўжаликлари ана шу техника воситалари кучидан баҳраманд бўлаётган. 2006 йил октябрь ойида «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган минитехнологиялар кўргазма-савдосида вилоятдан иштирок этган қишлоқ хўжалиги корхоналари учун сотиб олинган «МТЗ-80» русумли тракторлар ҳам банк кредити ҳисобига харид қилинди.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бўйича ҳам қатор тadbирлар амалга оширилмоқда. 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мижозлар кўлидаги пластик карточкалар сони 29573 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 3 ойи давомида бу кўрсаткич 2281 тага кўпайди.

Вилоят ҳудудида жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш шохбчаларига ўрнатилган терминналлар сони жорий йилда 125 тага етказилди. ①

Экспорт — иқтисодий салоҳият белгиси

Қайси давлатда ишлаб чиқариш ва бунёдкорлик жадал суръатлар билан ривожланар экан, шу юртнинг келажоғи порлоқ, фуқароларининг турмуши фаровон бўлиши аниқ. Бу борада, айниқса, қўшма корхоналар алоҳида ўрин тутлади.

ЎЗ ЎРНИ, ЎЗ УЛУШИ БОР

Болтабой ЭРНАФАСОВ

АЙНИ кунларда Ҳоразм вилоятида 33 та қўшма корхона мавжуд. Ушбу қўшма корхоналарда ип-калава, гираскопик ва трикотаж матолар, футболка ва майкалар, гилам маҳсулотлари, пластмасса идишлар ва полиэтилен қувурлар, тракторлар учун эҳтиёт қисмлар, электр дазмол, ўсимлик ёғи, совун, олеин ва пальметин кислотаси, салқин ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, меҳмонхона, алоҳа ҳамда пахта тўйлаш хизматлари кўрсатилмоқда.

Ўтган йили вилоятда қўшма корхоналар томонидан 42,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 6,5 миллион АҚШ долларидек маҳсулот экспорт қилинди. Бу кўрсаткичлар олдинги йилга нисбатан 2,5 марта кўпдир.

Бугунги кунда қўшма корхоналар ходимлари халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича ўтказилаётган семинарларда ўз малакаларини оширмоқдалар. Бу эса сифат бўйича сертификатлаш тизимини жорий қилишда қўлай шароит яратди.

Этироф этиш лозимки, вилоятда қўшма корхоналар сони ва уларнинг вилоят иқтисодиётида тутган ўрни йил сайин ошиб бормоқда. Давлат дастури асосида, ўтган йилда жами 26,133 миллион АҚШ доллари миқдоридан хорижий инвестиция жалб қилинганининг ўзиёқ кўп нарсани англатади. Бу олдинги йиллардагига нисбатан 3,1 марта кўп демакдир. Шундан ҳукумат кафолати билан бериладиган хорижий кредитлар 14,091 миллион, тўғридан-тўғри олиб келинаётган хорижий инвестициялар 10,603 миллион, бошқа инвестиция ва кредитлар миқдори 1,439 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Эътибор

ЭЛ ОРАСИДА — ЭЛ БИЛАН БИРГА

Халқимиз «олтин олма, дуо ол» деган иборани кўп ишлатади. «Тракторчи Раҳимни қачон чақирсанг, доимо «лаббай» дейди, томорқани шудгорлаб беради, кексаларни қадрайди» ёки «Эшмат дўхтирнинг отасига балли, кундузми, ярим тунми, чақирсанг, дарров ҳозир бўлади» каби гап-сўзларга кўп гувоҳ бўлганмиз.

Орифжон ЖУМАНОВ

— ЎТТИЗ йилдан буён пенсия оламан, — дейди Баҳмал туманидаги Музбел қишлоғида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Сайид бобо Бутонов ва Худойназар бобо Турдиевлар. — Почтачимиз пенсиямизни ҳар ойнинг белгиланган кунда етказди. Барака топсин, хизматидан миннатдоримиз.

Отахонларнинг ана шундай эътирофи тўғрисида «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг Жиззах вилоят филиалига йўлимиз тушди.

Айти кезда филиалда 470 нафар ходим вилоят аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг тўрт ойи давомида филиал ходимлари аҳолига 221 миллион 972 минг сўмлик хизматлар кўрсатди. Бу ўтган йилга нисбатан 43 фоизга ўсиш, дегани. Қолаверса, соҳада ижобий ўзгаришлар юз бераётганини аҳолининг улар хизматидан мамнулигидан ҳам билиса бўлади.

Дарвоқе, бугун вилоятда пенсионер, ижтимоий ҳимояга муҳтож, нафақахўрларга пулларини ўз вақтида тарқатилишида филиалнинг жойлардаги шаҳобчаларининг ҳиссаси айниқса катта бўлмоқда.

— Халқимизга манзур бўладиган почта хизматини ташкил этишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозир барча туманларда электрон почталар очилиши устида тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда, — дейди корхона директори Шуккур Бўлтақов. — Ундан ташқари яқин орада Зомин, Мирзачўл ва Ғаллаорол туманлари марказларида ҳам интернет алоҳа хизматини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун барча жиҳозлар шай қилиб қўйилди.

Дарҳақиқат, келажакда бундай ишларнинг амалга оширилиши аҳолига қўлай ва сифатли хизмат кўрсатиш ҳажмларини янада ошириш имконини яратати. Умуман, жиҳазлиқ почтачилар эл орасида эл билан бирга фаолият юритишади. Зеро, муваффақиятлар замири ҳам шунда. ①



**Ўзбекистон Либерал
Демократик партиясининг
Қорақалпоғистон
Республикаси, Тошкент
шаҳри ва барча вилоят
ташкilotларида жорий
йилнинг 22 майдан 15
июнигача бўлиб ўтган
ҳисобот-сайлов
конференцияларидан ана
шундай умумий кайфият
устуворлик қилди,
дейиш мумкин.**

СИЁСИЙ Кенгаш Ижроия қўмитаси, партиянинг Олий Мажлисидаги фракцияси, Сенат аъзолари, таниқли сиёсатшунослар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган конференцияларда асосий эътибор 2007 йилда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонундан келиб чиқадиган вазифалар ижросига ва янги шароитда, янги сиёсий маконда амал қилиниши лозим бўлган бирламчи масалаларга қаратилди. Конференция делегатларининг фикр-мулоҳазалари таҳлили шуни кўрсатдики, энг аввало, партиянинг таянч тузилмалари бўлган бошланғич партия ташкilotлари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, Сиёсий таълим марказлари кучи билан ташкил этилаётган ўқув-семинарларни мазмунан бойитиш, жойларда сайёр-ўқувларни пухта йўлга қўйиш лозим.

**Мамлакатимизда фаолият
юритаётган сиёсий партиялар
ичида биринчи бўлиб
Ўзбекистон Либерал
Демократик партияси Сиёсий
таълим марказлари
фаолиятини йўлга қўйди. Айни
пайтда 5 босқичдан иборат
ўқув-семинарларда асосан
бошланғич партия
ташкilotлари раҳбарлари,
фаоллар ва депутатлар
ўзларининг сиёсий билимларини
оширмоқдалар.**

Партиянинг Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ташкilotлари конференцияларида қўйи бўғинларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, кадрлар захирасини яратиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида электорат билан ишлашнинг замонавий услубларини қўллаш, қишлоқ мулкдорлари муаммоларини ҳал этишда партиянинг депутатлик гуруҳлари им-

ЯНГИЧА ИМКОНИАТЛАР ВА ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ



кониятларидан етарлича фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари конференцияларининг делегатлари эса партиядан сайланган айрим депутатлар фаолиятидаги сусткашлик, ўз зиммасидаги масъулиятни тўла ҳис этмаслик ҳолатларини танқидий баҳоладилар.

Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳар конференцияларида ҳам асосий эътибор қўйи бўғинлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилди. Гарчи 2004 йилги парламент сайловларида Сурхондарёда ўтган жараёнлардан сабоқ чиқарган ҳолда маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар кучи ва имкониятларидан унумли фойдаланиш, ички имкониятларни партиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Конференцияларда «Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг ички имкониятларини излаб топиш ва ишга солиш дастурлари»да белгиланган вазифаларнинг бажарилиши энг муҳим ўрин тутмоғи лозимлиги айtilди. Ҳар бир вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини инobatта олган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур дастурларнинг бажарилиши вилоятларнинг иқтисодий юксалишига туртки берибгина қолмай, Ўзбекистон Либерал Демократик партиясининг омма орасидаги обрў-эътибори ўсишига ҳам хизмат қилади.

Маълумки, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон Либерал Демократик партияси Сиёсий таълим марказлари фаолиятини йўлга қўйди. Айни пайтда 5 босқичдан иборат ўқув-семинарлар ўтказилаётган бўлса, уларда асосан бошланғич партия ташкilotлари раҳбарлари, фаоллар ва депутатлар ўзларининг сиёсий билимларини оширмоқдалар.

Новоий ва Бухорода бўлиб ўтган кон-

ференцияларда ана шундай семинар-тренингларни мазмунан бойитиш, уларда етук сиёсатшунослар иштирокини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Самарқанд ва Жиззах вилоятларида бўлиб ўтган анжуманларда кенг халқ оммаси билан ишлаш, партия аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш О'zLiDeP мафкуравий фаолиятининг ўзағи эканлиги такрор ва такрор тилга олинди. Негаки, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва бошқа тузилмаларда ишонч билан ишлаш учун электоратнинг фаол қўллаб-қувватлаши партия учун ниҳоятда муҳимдир. Бугун аҳолининг энг фаол қатлами — тadbиркор, мулкдор ва фермерларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш учун фақат тadbирлар билан чекланиб қолмасдан, амалий ишларни кучайтириш талаб этилади.

Ҳисобот-сайлов кампанияси ҳар қандай партия ҳаётида жулда муҳим ташкилий-сиёсий давр, аъзолар сафининг кўрнги ҳисобланади. Ўзбекистон Либерал Демократик партияси тузилмаларида ҳам ўз якунига етган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари унинг аъзолари сиёсий фаоллигини, сафларнинг мустаҳкамлигини, жамиятимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларга дахлдорлик туйғуси ва бўлаётган ўзгаришлардан манфаатдорлигини кўрсатди.

Конференциялар ишида таъкидланганидек, Ўзбекистон Либерал Демократик партиясида муҳим ташкилий-сиёсий кампания якунланди. Сиёсий партиялар учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар ва имтиёзлар шароитида ҳаракат стратегияси ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг кейинги ойлари 2008 йил 1 январидан қўча киралдиган Конституциявий қонун моддалари ва талабларига мувофиқ ишлаш учун тайёргарлик даври бўлади.

ЎзЛиДеП матбуот хизмати

Хабар



Яқинда Тошкент вилояти педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ташаббуси билан «Истиқлол ва истиқбол» мавзусида тadbир бўлиб ўтди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган ушбу тadbирда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, мазкур ўқув юртида касбий малакаларини ошираётган ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этишди.

ЖАРАЁН ФАОЛЛИКНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Умид БОЯЛИЕВА

МАЪЛУМКИ, сўнгги йилларда мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Zero, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни фуқаролик институти, хусусан, сиёсий партиялар ролини оширишни тақозо этади. Жумладан, «Миллий тикланиш»чилар ҳам ўз фаоллигини янада оширишни муқобиллик асосида сиёсий майдонда иштирок этишни ният қилган.

Тadbирда сўзга чиққанлар иштирокчилар эътиборини айнан шу масалага қаратдилар. Таъкидландики, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Қонун Ватанимиз тараққиёти йўлида катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, тadbир давомида юртимизда демократик тамойилларнинг чуқур илдиз отишида, вояга етаётган ўғил-қизлар онгу шуурида миллий ғоянинг шаклланишида, айниқса, зиёлилар ҳиссаси катта экани қайд этилди ва бу борода олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тadbир сўнггида профессор-ўқитувчиларнинг ўн беш нафар «Миллий тикланиш» демократик партиясига аъзо бўлди.

Фаргоналик танишим Шомурод ака бир кун шундай деб қолди: «Пойтахтга келиб «Оққўрғон» маҳалласида яшовчи дўстимникида меҳмон бўлиб турдим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ҳофиз ва машшоқ Рустам Абдуллаев шу маҳаллада яшаркан. Ҳар ҳафтада маҳалла чойхонасида «Соз ва суҳбат» гурунги бўларкан. Тақдир-насиба, шу гурунгни битмасида қатнашганман. Жуда ажойиб, жуда дилтортар... Шунда Рустам ака танбурда бир мумтоз куй ижро этди-да, сўнг унинг тарихига оид қизиқарли воқеаларни гапириб берди. Кечагидек кўз-ўнгимда, ҳеч ёдимдан чиқмайдиган суҳбат бўлгани ўшанда... Фурсат топиб шу одам ҳақида ёзмайсизми?..»

Илҳом ҚАРОМОВ,
«Жамият» мухбири



«ОҚҚЎРҒОН» ОҚШОМЛАРИ

ТЎҒРИСИ, бу санъаткор билан ўзим ҳам яқиндан танишиш истагида эдим. Аммо бунинг ҳеч фурсати бўлмаганди. Энди эса... Аввало уни узокдан бўлса-да таниган муҳлис сифатида билганларимни «ошкор» этмокчиман: Бу инсонни «Шашмақом» сирларини тўла ўлаштирган санъаткор сифатида эътироф этиш мумкин. У жуда ноёб ҳунар соҳиб — «фонитор» — овоз созловчи ҳамдир. Халқ ҳофизи Жўраҳон Султонов ижроси йўналишидаги санокли ҳофизлардан бири. Унинг ижросида «Наерулло», «Насри узор» сингари мумтоз ҳамда бир қанча халқ кўшиқларини эшитганлар бошқа бир дунёга кириб қолгандек ҳис этадилар ўзларини. Хаяжон ва ҳайрат оғушида бўладилар...

Очиги, Рустам Абдуллаев ҳақида матбуотда кўп ёзилган. Аммо уларнинг ҳаммаси деярли бир хил мазмунда: хонанданинг ўзбек кўшиқчилиги ва мусиқа санъатига оид фикр-мулоҳазалари, унинг ижодига доир суҳбатлар... Мен эса санъаткорнинг бошқа бир хислати хусусида имкон қадар тўхталганини истардим. Музда, санъаткорнинг маҳалла, жамоатчилик оид қарашларини билиш, умуман, инсоннинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли нималардан иборат? Ва санъаткорнинг маҳалла аъзоси сифатидаги фаолияти-чи?..

ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ

— МАҲАЛЛА — қутлуғ даргоҳ! Кишининг энг ёрқин ва ёруғ хотиралари ана шу даргоҳ билан чамбарчас ҳолда кечади. 13-14 йилча бўлиб қолди, пойтахтдаги қадим ва муаззам маҳаллалардан бири — «Оққўрғон»-да яшанамиз. Маҳаллада мавжуд ҳар бир дарак менга қадрдон, азиз. Бу ер жуда файзли маскан, бағрикенг даргоҳ, — дейди Рустам Абдуллаев биз билан суҳбатда. — Бу ерда етти ёшдан етмиш ёшгача барча бир-бирини яхши танийди. Шу жиҳатдан, масалан, мен учун маҳаллада яшовчи ҳар бир инсон бегона эмас. Умуман олганда, биз ўзбекларда катталарга бўлган ҳурмат каби муносабатлардан дунё иборат олса арзийди! Узаро ҳамжихатлик, меҳру оқибатга нима етсин?! Ҳар қандай шароитда ҳам кўни-кўшни бир-бирига бепарқ қарай олмайди деб ўйлайман. Фикримча, ҳар биримиз фарзанд-

ларимизни бағрикенглик руҳида тарбияламоғимиз керак. Чунки тарбиянинг муҳим жиҳатларидан бири ҳам шу-да, ўзи.

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

МАҲАЛЛА учун барча баробар: у мансабдор бўладими ёки дейлик, таниқли санъаткор. Бу тўғрида маҳалла оқсоқолларидан бири Акбарали Алиев шундай дейди:

— Маҳалламизда кўп ва хўп ажойиб одамлар яшайди. Шулардан бири — Рустам Абдуллаев. У камсуқум, камтар, солиҳ ва ҳалим инсон. Барча мавруду тадбирларимизга биринчилардан бўлиб қатнашади. Кўлидан

«Оққўрғон» маҳалласида ўтказиладиган «Соз ва суҳбат» оқшомига бошқа маҳалладагилар ҳам ҳавас қилишади...

кекган хизматини аямайди. Умуман Рустам аканинг оиласи ҳавас қилса, арзигulik. У кишининг аёли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторова ҳам худди шундай бағрикенг инсон. Фарзандлари ҳам одобли. «Менинг маҳаллам», дея фахр билан муносабатда бўладиганлар сирасидан улар. Биз маҳалла аҳли уларнинг санъати билан бирдек фахрланамиз!

— Маҳалламизда куй ва кўшиқ кечалари бўлиб туради. Талбир ташкилотчилари эса албатта, Рустамжон ва Насибохонлар, — дейди «Оққўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Кўчқор ота Миржамоллов. — Ундаги ижроларнинг барчаси жонли, устига-устак микрофонсиз. Ҳозирги айниқса, «диск»-сиз, қолаверса, микрофонсиз кўшиқ айтолмайдиган «санъаткор»лар ёмғирдан кейинги кўзиқориндек учриб кетган бир замонда, ана шундай ҳақиқий санъат намояндalари борлигига шукроналар айтаемиз. Уларнинг издошлари кўпайсин, дея дуо қилаемиз. Маҳалламизда ўтказилган «Соз ва суҳбат» оқшомига бошқа маҳалладагилар ҳам ҳавас қилишади...

Ушбу эътирофлар шунчаки эмас, савмиият ила айтилган дил сўзлари эди...

...ЖОН КЎШНИ

РУСТАМ аканинг Ҳайдарали Алиев, деган ён кўшниси бор экан, шу инсон билан ҳам танишдик. Ниҳоятда шакарғуфтор киши: икки гапнинг бирида «барака топинглар, жонларинг омон бўлсин» дейди.

— Маҳалламиз ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида ташкил топган. Биласизми, Акбар Ҳайдаров деган кўшиқчи ҳам шу маҳаллада яшаб ўтган.

— Файзли маҳалла экан...

— Ҳа, Тошкент шаҳрининг энг баланд жойи ҳисобланади бу ер. Обҳавони ўлчайдиган марказ ҳам шу ерда. 12 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бизда ҳеч ким маҳалла таомилдан четга чиқмайди. Ўзимизнинг карнай-сурнайчи, доирачиларимиз бор. Тўйларда беминнат хизмат қилишади, барака топгурлар. «Соз ва суҳбат» оқшомида миллий кўшиқчилик ва мусиқа санъатига қизиқувчи ёшлар Рустамжоннинг атрофида йиғилишади. У билганларидан ёшларга сабоқ беришга ҳаракат қилади. Бир зиёли маҳалланинг ўнта боласига ҳомийлик қилади, деб шунга айтсалар керак-да...

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

— УМУМАН олганда, жамоатчиликда гап кўп, — дейди Рустам ака суҳбат асносида. — Биз буни қадрлай билишимиз керак. Ёшлар тарбиясида ҳам маҳалла беқийс даргоҳ. Аслида оилада фарзанд тарбияси жуда мураккаб масала. Бу хусусда кексаларимиз ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

«Соз ва суҳбат» номли оқшомимизда кекса ёшдаги кишилар билан бир қаторда ёшлар ҳам иштирок этаётгани мени қувонтирапти. Шу боис бу фараҳбахш оқшомлар ҳаётимга янгича мазмун-моҳият бағишламоқда.

Маҳалланинг мўъжазгина ҳовлиларида яшнаётган хурмо, гилос, ўрик, олча сингари мевали дараклардан тортиб, атиргул, жамбилу райдонгача кўнглимизга илиқлик бахш этди. Хушбўй ислар, нафис ифборлар «Оққўрғон»нинг саррин тонларини оқанрабо оқшомлари бўйлаб тараларди, гўё...

ЯХШИЛАРГА ЁНДАШИБ

иш олиб борилаётган Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Зангибой» маҳалласи ибратга арзигulik патижаларга эришмоқда

Бу маҳаллада 750 та хонадон бўлиб, унда 3650 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Унинг ҳудудида қишлоқ аҳли учун зарур барча маиший хизмат турлари — сартарошхона, тикиш-бичиш шаҳобчаси, ошхона ва ўндан зиёд савдо дўконлари мунтазам фаолият кўрсатиб турибди.

Бехзод ҲОТАМОВ,

«Жамият» мухбири

— МАҲАЛЛА — ҳамжихатлик кўрғони, жамиятнинг таянчи деб бежиз айтилмаган, — дейди маҳалла оқсоқоли Исмоил Сафаров.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил декабрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган асл мақсад маҳаллалар нуфузини янада ошириш, унинг демократик жамият куриш жараёнидаги ролини кучайтириш эканлиги барчага аён. Ҳозирда туманимизда оқсоқолларимизнинг иқтисодий-ижтимоий билимларини ошириш мақсадида қатор семинарлар ўтказилмоқда. Бу ўқувларда бизнинг маҳалламиздан ҳам фаоллар мунтазам иштирок этмоқда.

Шунингдек, маҳалламиз жойлашган бинони талаб даражасида таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Ҳомийлар ва маҳалланинг ички имкониятларидан фойдаланиб, зарур қурилиш ашёларини харид қилдик. Усталар эса маҳалламизнинг ўзидан топилди. Натижада ҳавас қилса арзийдиган бинога эга бўлдик. Янги бинодо маҳалла фаоллари билан биргаликда маънавият бурчакларини ташкил этдик. Уларда халқимиз ҳаёти ва Ватанимиз равнақида из қолдирган инсонлар тўғрисида барча маълумотлар тўпланган.

Маҳалла раиси камтарлик қилиб, «Ижтимоий химоя йили»да амалга оширилаётган юмушларга алоҳида тўхталмади. Аммо бу борада ҳам маҳалла аҳли анчагина ишларини амалга оширган. Жумладан, маҳаллада истиқомат қиладиган талбиркорлар ҳисобидан йўллар асфальт қилинибди, кам таъминланган оилаларга меҳр-муруват ёрдамлари кўрсатилибди. Айниқса, ҳомийлар кўмагида кам таъминланган учта оилага қорамол ҳадя қилингани бу борадаги эзгу ишларнинг ёрқин кўринишидир.

Бир сўз билан айтганда, яхшиларга ёндашиб иш олиб борилаётган маҳаллада ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари ҳавас қилса арзигulik.

*Дунёда нима кўп — гап кўп!
Хусусан, демократия ҳақида
нималар гапирилмаяпти дейсиз?*

*Кимдир ўз уйи қолиб,
бошқаларнинг уйидаги демократик
қадриятлар ҳақида гап тўқийди.
Яна биров эса кимда демократия
кўлу, кимда оз деган масала
юзасидан ўзича ҳакамлик
қилмоқчи бўлади. Яна биров эса
ўзи амал қилмаган амалларни ўзгаларга
тиқиштирмоқчи бўлади. Шу
маънода, таниқли рус rassomi Илья
Глазунов «Аргументы и факты»
газетаси мухбири билан суҳбатда
ибли мисоллар келтирган.*



КИМ АСЛИДА КИМ?!

УНИНГ фикрича «Собиқ иттифоқ давлатида ҳеч қачон социализм бўлмагани сингари Америкада ҳам демократия мавжуд эмас. АҚШда сиёсий тузум манфаатига хизмат қилувчи бешафқат молия-биржа диктатураси бор, ҳоло».

— Менинг қариндошларим 1945 йилдан буён Вашингтонда яшайдилар, — дейди И. Глазунов. — Улар Фарб демократияси ҳақида кўплаб мисоллар айтиб берган. Буларни эшитиб, океан ортидаги эркинлик хусусида маълум тасаввур пайдо бўлади. Уларнинг гапларига қараганда, АҚШ ҳукумати Сербияга бомба ёғдиришни бошлаган кезлари турли маҳарлардан минглаб америкаликлар ўз норозиликларини билдириш учун Оқ уйга келишган. Бироқ намоёнчиларга ҳеч

ким эътибор қаратмаган: халақит ҳам бермаган, ҳайдамаган ҳам. Чунки Оқ уй мустаҳкам, баланд панжаралар билан ўраб олинган. Одамлар уч кун мобайнида норозилик билдиришган. Афсуслар бўлсинки, бу ҳақда биронта оммавий ахборот воситаси бир оғиз ҳам гапирмаган. Ана, сизга демократия?! Барчага маълум ва машҳур Ироқ воқеаларини-ку, гапирмай қўяқолайлик...»

Ҳа, бугун Фарб демократияси ҳақида бутун дунё эътибори ўзларининг кузатувларини очиб-ошкор баён қилишмоқда. Бу эса бошқаларнинг «иннадай айбини туядай» қилиб кўрсатишга устаси фаранг давлатларнинг асл қиёфасини афкор оммага намоён этиб, кимнинг аслида ким эканини англаб олишга ёрдам бермоқда.

СУРАТЛАР ФОШ ЭТАДИ

*Фарб маънавияти, одоб-ахлоқ мезонларига
баъзан ақл бовар қилмайди. Улар гоҳида
оқни қора, қорани эса оқ қилиб кўрсатишдан
ҳам тоймайдилар. Лекин мавжуд вазият ва
воқеаларни теран англайдиган, ҳолис баҳо
берадиганлар ҳам йўқ эмас.*

БРИТАНИЯЛИК rassom Майкл Сэндлнинг Ироқдаги уруш даҳшатларини акс эттирувчи «Жаннатдан қувилди» деб номланган сурати Лондонда бўлиб ўтган ёзи кўргазманинг нозик нуқтасига айланди, деб ёздаи «Аргументы и факты» газетаси.

Гап шундаки, британиялик аскарларнинг Ироқда содир этган шафқатсизликларини акс эттируви манзараларда жаннатдан қувилган Адам (Одам ато) образида Буюк Британия Бош вазири ва унинг ёнида эса Ева (Момо Ҳаво) образида — рафиқаси тасвирланган. Ҳар иккаласи ҳам ондан энди тузилгандай қип-яланғоч.

Чамаси, rassom шу усул билан британиялик аскарлар-

нинг Ироқдаги бебошликлари, шафқатсиз ҳатти-ҳаракатларининг асл илҳомчисини кўрсатишга интилган бўлса керак! Бу борада санъаткор маълум даражада мақсадга эришган ҳам дейиш мумкин. Картинага бўлган қизиқиш, мутахассисларнинг у ҳақидаги турли нуқтаи назарлари шундан далолат беради.

«Шуниси қизиқки, бу картиналар аллақандай ҳаваскор rassomнинг кўча-қўйдаги кўргазмаларида эмас, балки Британия Қироллик санъат академиясида намоён этилган. Боз устига, М.Сэндлнинг мазкур «яланғоч» суратлари нуфузли мукофотга ҳам сазовор бўлди», деб хулоса қилади «Аргументы и факты» нашри.

КЎРИБ, КЎРМАГАНГА ОЛИШМИ БУ?!

*Буюк Британияда ташкил
этилган махсус комиссия
узоқ танаффуслардан сўнг
«Лондон метросида
Бразилия фуқаросини отиб
ўлдирган полициячи
қотиллик содир этгани
учун жавобгарликка
тортилмайди», деган
хулосага келди, деб хабар
беради Press-uz.INFO
ахборот агентлиги.*

ИНТЕРНЕТ орқали тарқатилган ахборотларга қура. Бразилия фуқаросига нисбатан содир этилган ушбу қотиллик юзасидан қандайдир халқаро текширувлар ўтказиш нари турсин, тергов ишларига, ҳатто Бразилия суд тизимининг вакиллари қатнашувига ҳам руҳсат этилмаган. Комиссия мазкур ишни икки йилга атайин чузиб, охири юқоридаги мазмунда қарор қабул қилган.

Ёзлагиб ўтамиз, 27 ёшли бразилиялик йигит 2005 йил 22 июлда 52 нафар беғуноҳ кишининг ҳаётига зомин бўлган террорчилик ҳаракати содир этилганидан сўнг икки ҳафта ўтгач, Лондон метросининг «Стоквелл» бекатида Британия полициячилари томонидан отиб ўлдирилган эди. Кейинчалик бразилияликнинг террорчиликка мутлақо алоқаси йўқлиги, у бор-йўғи Лондонда

электрчи бўлиб ишлаши аниқланди. Ўз вақтида беғуноҳ бразилияликнинг мулкчи ўлими халқро жоғара олиб келган ва Британия маъмуллари Бразилия ҳукуматидан расман кечирим сўрашга мажбур бўлган эди. Аммо қотилликни содир қилганларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи пайсалга солиб келинди.

Ажабланишли шундаки, воқеалар ривожини шундай тус олган бир пайтда ўзларини халқро ҳуқуқ ҳимоячилари деб жар солаётган «Freedom House» ва «Human Rights Watch» сингари ташкилотлар бу қотилликни кўриб-билиб турсалар-да, ўзларини кўрмаганга олдилар ва мазкур воқеа



юзасидан баёнот беришни ҳам ўзларига эп кўрмадилар.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. «Freedom House» ва «Human Rights Watch» каби тузилмалар ҳолис, айрим сиёсий қушлар таъсир доирасида бўлмаганида эди, бундан адолатсиз қарор уларнинг эътиборидан четда қолмасди. Шу экан-да, «пулини тўлаган мусиқасини ҳам танлайди», деганлари.

*Яқинда АҚШ давлат департаментининг «2007 йилда
одам савдоси ҳақида»ги маърузаси эълон қилинди. Мазкур
ҳужжатда, хусусан, «интим мақсадда фойдаланиш учун
одамларни сотиш одам савдосининг энг оғир тури экани»
таъкидланади, дейилади Press-uz.INFO ахборот
агентлиги тарқатган хабарда.*

БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ...

БИРОҚ, афсуски, бугунги кунда ушбу ҳолатни нафақат Осий, Европанинг айрим мамлакатларида, балки АҚШнинг ўзида ҳам кўп кузатиш мумкин. Айни пайтда, АҚШ давлат қотибининг бу муаммога муносабат билдириб, «одам савдоси сингари бемаза ишларга чек қўйиш — бугунги куннинг энг долзарб маънавий бурчидир», деб айтган фикрларига қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, бошқа бир ҳолат кишини хушёр торттиради: шундай нуфузли идорда фикр ва иш бирлиги масаласи «шу куннинг маънавий бурчи» даражасидамикан? Ахир, бундан атиги бир ойча муқаддам лавозимига кўра, давлат қотибининг биринчи ўринбосари, Америка халқро тараққиёт агентлиги (USAID) директори Рендалл Тобияснинг «Pamela Martin and Associates» агентлигининг «чақириладиган қизлар» хизматидан фойдалангани фош этилган эди-ку!..

Полиция маълумотларига кўра, ушбу компания 13 йилдан буён Вашингтоннинг сиёсий арбобларига пуллик интим хизмати кўрсатиб келган. Шу жумладан, агентлик ходимлари ҳам ўтган йиллар мобайнида 130 га яқин шундай «қизлар» хизматидан

фойдаланган...

Рўй берган можаро туфайли 65 ёшли «интим хизмат» ишқибози USAID раҳбарлигидан кетишга мажбур бўлди. АҚШ давлат департаменти эса бу хусусда «Р.Тобияс хусусий ҳаётни танлади», дея қисқагина расмий хабар тарқатиш билан чекланди, ҳоло. Мутасаддилар томонидан ушбу «нохуш ҳолат» интим мақсадлар йўлида инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузишнинг бир кўриниши экани тўғрисида ўша пайтда ҳам, кейин ҳам ҳеч қандай фикр билдирилгани йўқ.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, USAID агентлиги АҚШ давлат департаментининг чет элларда турли лойиҳа ва дастурларни, жумладан, одам савдосига қарши ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи ва молиялаштирувчи тузилмаси ҳисобланади. Бироқ, юқоридаги ахборотларга асосланган бўлсақ, ушбу агентлик «муайян сиёсий тошхирқларни адо этиш йўлида ҳеч қандай маънавий бурчини ҳис этмас экан-да», деган фикр туғилади. Демак, одам савдосига қарши кураш ҳақидаги «шиорлар» уларга фақат «тегишли» манфаатлар йўлидаги ахборий тарғиботлар учунгина керак экан-да?!

Тадбир ЁШ СПОРТЧИЛАР УЧУН ГРАНТЛАР

Пойтахтимиздаги «Форум юниор» болалар спорт мажмуасида ёш иқтидорли спортчиларга «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ўта оғир вазнда профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев томонидан таъсис этилган грантларни топшириш маросими бўлиб ўтди, деб хабар беради Ў.А.



Спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш орқали юртимиз келажаги бўлган ёшлар саломамлигини мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилади.

Ҳамкорликда ташкил этилган махсус жамғармадан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида яшайдиган етмиш нафар иқти-

дорли ёш спортчига навбатдаги грантлар топширилди.

— «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ўз фаолияти йўналишида спортни ҳам кенг қамраб олаётгани таҳсинга лойиқ. — дейди Руслан Чагаев. — Ушбу грант ёшлар учун нафақат моддий рағбат, балки янгидан-янги марралар, галабаларга

улдовчи муҳим омил ҳам бўлишига аминман.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда таниқли боксчи Руслан Чагаев ҳамкорлигида бошланган ёш спортчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрли иш бу борада мамлакатимиз миқёсида олиб борилаётган эзгу тадбирларнинг ўзига хос узвий давомидир.

Тадбир сўнггида қўл жанги ва яккакураш бўйича болалар спорт жамоалари, ёш ижрочилар ва эстрада юлдузларининг дастури намойиш этилди.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига

САМАРҚАНД ҚОҒОЗИ

Самарқанд азалдан хунармандчилик ва йирик савдо-сотик марказидир. Айниқса, унинг турли навадаги қоғозлари минг йиллар мобайнида нафақат Марказий Осиёда, балки Яқин ва Урта Шарқ ҳамда Европада маълум машҳур бўлган. Зеро, бу кўҳна шаҳар VIII асрнинг охирида ва IX асрнинг бошида Яқин ва Урта Шарқ минтақаларида қоғоз ишлаб чиқарувчи ягона йирик марказ бўлаганини тарихчилар ёзиб қолдиришган.

Маъбуда ЮНУСОВА

ҚАЙД этилишича, Самарқанд қоғозига қўшлаб мамлакатларда, хусусан, Россияда ҳам талаб катта бўлган. XVIII аср охирида бир пуд (16 кг.) Самарқанд қоғози 45-50 сўм, Россия шаҳарларида эса 80 сўмни ташкил этгани бунга тасдиқлайди. Тарихий манбаларга кўра, 1869 йилда Самарқандда 42 та қоғоз чиқарадиган устахоналар фаолият кўрсатган.

Швейцариялик шарқшунос олим Адам Мецнинг эътирофи этишича, ўша даврда Бағдод, Қоҳира, шунингдек, Европада ҳам қоғоз ишлаб чиқарилганига қарамай, Самарқанд қоғози ўзининг сифатлиги, айниқса, нафислиги билан алоҳида қийматга эга бўлган. Бундан ўн аср аввал мисрлик ҳаттотлар ҳар йили Самарқанддан қоғоз олиб туришган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» аса-

рида маълумот берилишича, Самарқанд қоғозининг «Самарқанд султон қоғози» ва «Самарқанд шойи қоғози» деб аталган навлари харидоригир бўлган. Чунки бу қоғозлар ниҳоятда нафис, юмшоқ ва силқилиги билан ажралиб турган. Қоғознинг ранги ҳам бир неча хил: оч сариқдан тортиб то жигаранг тусгача мавжуд бўлган. Оқ ёки оқиш рангдигиси олий нав саналган.

Самарқанд қоғозининг айрим навлари ёруғликка тутиб қаралса, унинг ичида оқ ҳалқасимон белги кўринади. Бу — XVI асрда яшаган машҳур қоғоз устаси Мир Иброҳимнинг муҳри эди. Бундай қоғозларга қўллаб ҳаттотларнинг ҳаваси келарди. Абу Мансур Саолибий ўз асарларида шундай ёзди: «Самарқанднинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири унинг қоғозидир. У Мисрнинг қоғозидан сифат жиҳатдан яхши, нафис, чиройли ва ёзиш учун жуда қулайлиги билан ажралиб турарди».

Осмон лов-лов ёнар офтоб кўридан, Уфқда саробдан оташин балдоқ. Чинқираб юборар куннинг зўридан, Қайгадир беркиниб олган чирилдоқ...

ОБ-ҲАВО

Тасаввур қилинг-а, Ўзбекистон саратонининг бутун бўй-бастси,

таровати ардоқли шоиримиз томонидан қандай санъаткорона таърифланган...

Ортиқча ҳис-ҳаяжонларни бир четга суриб, гидрометеорология марказининг хабарига қулоқ тутсак: 22-26 июнь кунлари диёримизда ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик кутилмайди. Фақат...

Шарқий шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади, 23 июнда айрим жойларда 15-20 метргача кучаяди, чанг-тўзон кўтарилади. Ҳарорат кечаси 13-24, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

Мамлакатимиз жанубида ва чўл ҳудудларида симоб устунни кечаси 22-27, кундузи 39-44 даражани кўрсатади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди.

Шарқий шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади, 23-26 июнь кунлари баъзи жойларда шамол секундига 15-20 метргача кучаяди. Ҳарорат кечаси 12-17, кундузи эса 25-30 даража иссиқ бўлиши кутилаяпти.

РАНГИ — ДИЛГА, ТАЪМИ — ТИЛГА

Таомлар султони — паловхонтўрани дастурхонга тортишдан олдин «аччиқ-чучук» қўйилади. Помидордан тайёрланган бу неъмат иштаҳани оцади, энг муҳими, у бензир ҳазми таомдир.

Улўбек БОБОЕВ

ПОМИДОРНИНГ асл ватани Мексика, Перу ва Чили ҳисобланади. Ҳиндулар тилида «томатль» деб номланган бу ўсимлик Америка қитъасидан Испанияга келтирилган ва хушманзара ўсимлик сифатида уй шароитида тувакларда ўстирилган. Унинг меваларини одамлар дастлаб захарли деб ўйлаб, истеъмол қилмаганлар. Европа халқлари орасида биринчи бор помидорни озиқ-овқат маҳсулоти сифатида

итальянлар истеъмол қила бошлаган. Улар XVI асрдаёқ уни «помидоро», яни «олтин олма» деб атаб, қалампир, саримсоқ ва ёғ билан бирга қўшган ҳолда таом тайёрлаганлар.

Мутахассислар берган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ештирилладиган помидорлар таркибида қанд миқдори 5 фоизгача боради. Шунингдек, унда органик кислоталар (олма, лимон кислотаси), аминокислоталар (глутамин, аланин, валин, тирозин, лейцин), С, В₁, РР

витаминалари, калий, кальций, магний, фосфор, темир тузлари, микроэлементлардан титан, хром, стронций, галлий, молибденлар бор.

Помидор таркибида йод бўлгани туфайли у атеросклероз, юрак касалликларида, бедармонликда, камқонликда, шунингдек, семириб кетишига мойиллик бўлган кишиларга шифокор томонида тавсия этилади. Қолаверса, у жигар, буйрак касалликларида ва модда алмашинуви мутаносиблигида истеъмол этилиши фойдалидир.

Кишининг кундалик фаолияти учун зарур бўлган 50 мг витамин С ни иккита помидор истеъмоли орқали олиш мумкин.



Биласизми?

Ўзбекистонда помидорнинг тез пишар, ўрта, кечки, серҳосил навлари экилмоқда. Улар ўзининг кўриниши, мазаси, оғирлиги билан бир-биридан фарқ қилади. Бизда, айниқса, ўзбек селекционерлари яратган «Юсупов» нави помидор машҳур. У ўрта-кеч пишувчи, серҳосил нав ҳисобланади. Ундан хушхўр салат, консерва ва шарбатлар тайёрлаш мумкин.

БОШ МУҲАРРИР

Сирожиiddин РАУПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Маъруфжон УСМОНОВ

Қиём НАЗАРОВ

Жамолiddин ҲАКИМОВ

Рифат САРБАЕВ

Рустам ҚОСИМОВ

Норбобо ШАКАРОВ

Бехзод ҲОТАМОВ

Нурали ШОДИЕВ

МУАССИСЛАР

Фуқаролик жамиятини

ўрганиш институти

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузурдаги

Давлат ва жамият қурилиши

академияси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий

ассоциацияси

Ўзбекистон мустақил босма

оммавий ахборот воситалари

ва ахборот агентликларини

ривожлантириш ва

қўллаб-қувватлаш жамоат

фонди

Ўзбекистон Савдо-саноат

палатаси

Тадбиркорлар ва ишбилар-

монлар ҳаракати — Ўзбеки-

стон Либерал-демократик

партияси

«Фуқаролик жамияти —

Гражданское общество —

Civil society» журнали

НАВБАТЧИ МУҲАРРИР

Абдували ҚУТБИДДИНОВ

ДИЗАЙНЕР

Ҳабибжон БОЛТАЕВ

НАВБАТЧИ

Элмурод ЭҒАМКҮЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон

кўчаси, 41.

Буюртма рақами Г-536

Адади: 8018

Газета «Фуқаролик жамияти

— Гражданское общество

— Civil society»

журналининг ҳафталик

иловаси.

Газета Ўзбекистон матбуот

ва ахборот агентлигида

2006 йил 0010-рақам

билан рўйхатга олинган.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100003, Тошкент шаҳри,

Ўзбекистон шоҳқўчаси, 45-уй.

Маълумот учун

телефонлар:

132-60-98, 132-60-74.

Электрон почта:

info@jamiyatgzt.uz

jamiat@mail.ru

«Жамият» дан олинган

маълумотларда манба


сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

① — тижорат белгиси

Топшириш вақти: 20.00

Топширилган вақти: 23.00



RED

	«RED BASIC»	«RED LIGHT»
Абонент тўлови (кунига)	\$0	\$0,04
Ўзбекистон бўйича чиқувчи ва кирувчи алоқа (1 дақиқа учун)	\$0,05	\$0,05
Тармоқ ичида чиқувчи алоқа (1 дақиқа учун)	\$0,02	\$0,02
Тармоқ ичида кирувчи алоқа	\$0	\$0
Секунд бўйича тарифлаш	61-секунддан	1-секунддан

Кўпроқ қўнғироқ қилинг ва мулоқотда бўлинг!

- Тариф режаларни «RED BASIC» и «RED LIGHT» тарифларига алмаштириш фақат pre-paid системаси абонентларига мумкин бўлиб, «RED BASIC» режасини танлаш учун SMS-хабар орқали 1771 қисқа рақамга 003 рақамни, «RED LIGHT» режасини танлаш учун эса 004 рақамни юбориш керак.
- «RED» тарифларига уланганда pre-paid системаси SIM-картаси тақдим этилади.

МТС абонентлари учун:

Халқаро роуминг хизмати Косовода (Vala 900 Monaco Telecom), Ҳиндистонда (IDEA Cellular Uttar Pradesh West), шунингдек халқаро GPRS роуминг хизмати Исландияда (Vodafone) ишга туширилди.

Батафсил маълумот:
Моб.: 0890
Тел.: (+998 97) 1300909, 1310909, 1030909
www.mts.uz

Хизматлар лицензияланган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Туловлар сумда УзР МБнинг тулов кундаги курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.

